

ТИЛ ТАЪЛИМИДА ТОПИШМОҚЛАР

Шадманова Н.И.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Халқ оғзаки ижодининг алоҳида мустақил жсанри сифатида эътироф этилиб келинаётган топишмоқлар - халқнинг турмуши тарзи ва қадимий эътиқодлари ифодаси сифатида юзага келган. Инсон ва уни ўраб олган олам топишмоқларда кўчимлар, ўхшатишлар, таққослашлар, қиёслар, солишишишлар, саволлар воситасида ўзига хос поэтик шаклда акс этади.

Калим сўзлар: лексикология, поэтик тасаввур, топишмоқлар, шаклдоши сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли.

ABSTRACT

Riddles, which are recognized as a separate independent genre of folklore, arose as an expression of the people's lifestyle and ancient beliefs. Man and the world surrounding him are reflected in riddles in a unique poetic form by means of metaphors, similes, comparisons, comparisons, comparisons, questions.

Key words: lexicology, poetic imagination, riddles, similar words, similar words, antonyms.

КИРИШ

Кўп асрлик халқ донишмандлигининг дурданалари – топишмоқлар инсон идроки, кузатувчанлиги, поэтик тасаввур қобилиятини ўстирувчи, ақлнинг қувноқ ўйини, маънавий дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, аждодларимизнинг руҳий олами, тарихий ўтмишини билишда калит вазифасини ҳам ўтайди. Улар тарихий маданиятнинг бебаҳо ҳужжатлариdir.

Топишмоқ халқ оғзаки ижодининг қадимиий ва оммавий жанрларидан биридир. Унда халқнинг орзу-истаклари, ўй-фикрлари ва тафаккур дунёси намойиш бўлади. Унинг бошқа фольклор жанрларидан ажralиб турадиган хусусияти бадиий образлилик орқали инсонни ўйлашга, фикрлашга мажбур қиласиган саволга жавоб талаб этишидадир. Халқ топишмоқ қилиб яратадиган ҳодиса ва нарсалар инсоннинг тарихий яшаш шароитида бўлмаган, унинг онгидан узоқ бўлган хаёлий уйдирмалар билан эмас, балки реал ҳаётда инсон ўз кўзи билан кўрган, ҳаётида ишлатган, дуч келган, ҳатто ўзи ишлаган, этиширган нарсалар –маҳсулотлар, ўзи сезган, эшитган ҳодисалардан иборатдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тил таълимида, жумладан лексикологияни ўрганишда топишмоқлардан ўринли фойдаланиш дарс сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим саналади. Лексикологияга оид “Сўзнинг ўз ва кўчма маъноси”, “Маънодош сўзлар”, “Тарихий сўзлар”, “Иборалар” каби бир қатор мавзулар борки, уларни ўқувчилик онгига сингдиришда, билим, малака, қўникмалар ҳосил қилишда ва мазкур мавзулар доирасида ўқувчилик билимини синашда топишмоқларнинг ўрни ҳамда аҳамияти бекиёсдир.

Ўрта мактаб она тили машғулотларида лексикологиянинг айрим мавзуларини ўқувчилик онгига тўлақонли шакллантиришда топишмоқлардан фойдаланиш, баъзи мавзуларни мустаҳкамлаш жараёнида савол ўрнида ўқувчилик топишмоқ орқали мурожаат этиш дарс сифатини сезиларли даражада оширади. Бу эса ўқувчини ўйлаб, фикрлаб жавоб беришга ундейди. Масалан, шаклдош сўзлар мавзусини ўқувчиларга тушунтириш жараёнида топишмоқлардан ўринли фойдаланиб, уларнинг билимини аниқлаш ва баҳолаш мумкин.

Қатор келса икки сўз,
Бир хил кўради ҳар кўз.
Шакли биру, маъноси
Бошқа-бошқа қайси сўз.

(шаклдош сўз)

Ўт сўзида уч ном бор
Жавобига ким тайёр?

(Шаклдош сўз: ўт – ўсимлик маъносига, ўт – ҳаракат маъносига, ўт – олов маъносига).

Бу эса қисқа вақтда бир нечта ўқувчининг билимини баҳолаш учун имконият беради.

Ўқитувчи “Маънодош сўзлар” мавзусини ўтаётганда, қуйидаги топишмоқни ёзув тахтасига ёзиб, кейин мисоллар орқали тушунча бериши мумкин.

Сўзлар борки, гарчи ҳар хил кўрар кўз,
Маънолари бир-бирига яқин сўз?
(маънодош сўзлар)

Шу синфда зид маъноли сўзлар ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумот берилади. Бунда ҳам грамматик топишмоқларни қўллаш имконияти мавжуд.

Икки сингил, оғир - енгил (тарози).

Вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида ўқувчиларга дарсда машқ бажартириб, ўқитувчи ёзув тахтасига топишмоқларни уйга вазифа сифатида ёзиб қўяди, бу эса ўқувчиларни доим бир хилда дарслиқдаги машқларни бажаришдан озод қиласди. Аммо шундай топишиоқлар борки, уларга жавоб бериш учун икки ва ундан ортиқ нарсаларни эслашга тўғри келади. Масалан:

Тоғда талаймонни қўрдим,
Сувда сулаймонни қўрдим.
Тузсиз пишган ошни қўрдим,
Юмалаб ётган тошни қўрдим.

Бу топишмоқдаги тўрт мисрада тўрта нарса яширинган. Биринчисида бўри, иккинчисида балиқ, учинчисида сумалак, тўртинчисида тошбақа сўзлари яширинган.

Кўл эмас, дарё эмас,
Ичида музлайди сув.

Жазирама ёзда ҳам,
Иссиқ ўтказмайди у.
Усти боши темирдан,
Шундан жойи тўрдан (музлатгич).

Дарахт эмас, япроқли,
Кўйлак эмас, этакли,
Одам эмас сўзлайди,
Турли куйлар куйлайди (китоб).
Устида қопқоқ,
Тагида қопқоқ,
Ичида япроқ(китоб).

Тилсиз, ақл ўргатар (китоб).

Сирти таёқ, ичи бўёқ (қалам).

Оқ ер очдим, қора буғдой сочдим (қоғоз, ёзув).

Умуман, тил таълимида топишмоқлардан фойдаланиш ўқувчилар билимини оширишда, тафаккурини ўстиришда, шу билан бирга фанлараро алоқадорликни таъминлашда муҳим омиллардан бири саналади..

Демак, лексикология - мактаб ўқувчисининг сўз бойлигини оширишда, маънавий дунёқарашининг кенгайишида турли нутқ вазиятларида сўзларни ўз ўрни ва вақтида қўллай олиш маҳоратини шакллантиришда бекиёс аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. Усманова З.И. Она тили дарсликлари такомиллашмоқда. “Экономика и созициум”. №4(83) ч.2., 2021.
2. Ражабова Р.З. Адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси. Илм сарчашмалари. 10.2020. Урганч-2020.